

## САМАРАДОРЛИГИ ЮҚОРИ ЛОЙИХАЛАР НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАЯНЧИГА АЙЛАНМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 октябрь кунин Навоий вилоятига ташир буюрди.**

Бу ҳудуд ривожланган индустрияси билан мамлакатимиз иқтисодиётида катта ўрин тутди. Иқтисодий ва инвестициявий имкониятлар туфайли сўнги йилларда янги корхоналар кўпайиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Навоий шаҳридаги "Uzbekistan hydrogen peroxide" кўшама корхонаси фаолияти билан танишди.

Вилоятдаги корхоналарга водород пероксиди доим зарур. Умуман, юртимиз саноят тармоқларида бу кимёвий бирикмага йиллик талаб ўртача 15 минг тоннадан зиёд. Жорий йилда ўз фаолиятини бошлаган "Uzbekistan hydrogen peroxide" кўшама корхонасида шундай талабгир маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Қиймати қарийб 30 миллион доллар бўлган лойиҳа доирасида завод қурилиб, Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Германия, Италия ва Швециядан замонавий ускуналар келтирилиб ўрнатилди. 80 га яқин киши иш билан таъминланди. Корхона йилга 30 минг тонна водород пероксиди ишлаб чиқариш қувватига эга.

Бу бирикмадан кимё, металлургия, электр техникаси, фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги каби ўнга яқин тармоқда фойдаланилади. Жумладан, қоғоз, маиший ва кимёвий воситалар ишлаб чиқариш, уран ва кобальт маҳсулотлари қазиб олишда фаол қўлланилади. Қадокларни тозаловчи, сунъий ва синтетик толарани оқариувчи восита сифатида ишлатилади.

Асосийси, иқтисодий самарадорлик юқори. Бу ерда табиий газ чуқур қайта ишланиб, бозорбоп маҳсулотга айлантдилади. Мисол учун, 60 фоизли водород пероксиди тиббиётда уч баробар, маиший кимё воситаларида икки баробар қўшилган қиймат яратди.

Корхона лабораториясига ҳам энг сўнги русумдаги жоризмат ўрнатилган. Унда ҳар соатда таҳлил ўтказилади. Бу маҳсулот сифатини доимий назорат қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги иш жараёнини кўздан кечирди, мутахассислар билан суҳбатлашди.

– Ҳар бир лойиҳадан мақсад – юқори даромад, қўшилган қиймат. Бу корхона шу жиҳатдан маъқул. Энди ишлаб чиқариш барқарорлиги, харидорлар ишончи учун буни кафолатланган хомашё билан таъминлаш керак. Маҳаллийлаштириш дастури асосида қулай шартларда кредит ажратиш ҳам мумкин, – деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга бу корхона мисолида шундай лойиҳаларни кўпайтириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича топшириқлар берилди.

Водород пероксиди шу пайтгача Ўзбекистонга катта харажатлар билан фақат чет элдан олиб келинар эди. Энди эса маҳаллий маҳсулот ички эҳтиёжни тўлиқ қоплаб, импорт ўрнини тўлдирди. Шу билан бирга, яқин минақада бундай корхона йўқ. Шу боис маҳсулот МДҲ ва Европа мамлакатларига ҳам етказиб берилмоқда. Қисқа вақтда қарийб 1,5 миллион долларлик экспорт қилинган. Корхонанин йиллик экспорт салоҳияти 10 миллион доллар.

Бу суяқ кимёвий маҳсулотларни сақлаш ва етказиб бериш учун шу ернинг ўзиде пластик қўйма идишлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Корхонани муқобил энергия билан таъминлаш мақсадида қуввати 27 киловатт бўлган қуёш панеллари ўрнатилган.

Яна бир эътиборли жиҳати, илгари мамлакатимиз кимё соҳасида хусусий сектор бўлмаган. Бу корхона сўнги йилларда соҳага кириб келган тадбиркорлик субъектларидан бири.

Шу ерда корхона фаолиятини янада кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Хусусан, Туркиянинг "Orbak Metal Industry" компанияси билан гидроген пероксиди ишлаб чиқариш қувватини 45 минг тоннага ошириш, шунингдек, туташ ҳудудда озиқ-овқат санояти лойиҳасини ташкил этиш режалаштирилган.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Кармана туманида барпо этилаётган кимёвий маҳсулотлар технопаркини бориб кўрди.

Навоий вилоятида кимё санояти ривожланган. Ҳудудда минерал ресурслар кўп, тармоқ инфратузилмаси ва кадрлар салоҳияти яхши. Бундан фойдаланиб, истиқболли корхоналар ташкил этиш учун эса мамлакатимизда қулай инвестиция муҳити ва тадбиркорларга шароит бор.

Шу негизда хитойлик ишбилармонлар томонидан "Zarafshon industrial technology" номи остида кимё технопарки барпо этилмоқда.

Мазкур мажмуа учун 130 гектар ер майдони ажратилган. Бу ерда умумий қиймати 1 миллиард доллардан ортиқ бўлган 18 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Ҳозиргача уларнинг иккитаси – 40 минг тонна олеум, 170 минг тонна сульфат кислотаси олиш лойиҳалари ишга туширилди.

Эътиборлиси, сульфат кислотаси ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқликдан унумли фойдаланиш мақсадида 1,4 мегаватт қувватга эга буғ-газ қурилмали энергоблок қурилган. Бу корхона ўзини ўзи тўлиқ электр энергияси билан таъминлаш имконини беради.

Айни пайтда корхона томонидан 330 минг тонна сульфат кислотаси ишлаб чиқариш ҳамда технология жараёнида ҳосил бўладиган иссиқликдан 15 МВт қувватга эга буғ-газ қурилмали энергоблок қуриб битказилган.

Давлатимиз раҳбарига технопаркда амалга ошириладиган янги лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Хусусан, қиймати 150 миллион долларлик 1 миллион тонна сульфат кислотаси, 120 миллион долларлик 50 минг тонна каустик сода ҳамда 135 миллион долларлик 100 минг тонна фталоцианин (тўқимачилик бўёғи) ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши бошланган.

Технопаркда бошқа тармоқлар билан кооперация алоқалари самарали йўлга қўйилади. Натижда қурилиш саноятида 75 миллион, энгил саноятда 107 миллион, тиббиётда 38 миллион долларлик четдан келадиган маҳсулотлар ўрни қопланади.

Технопаркда маҳаллийлаштириш айна пайтда 31 фоизни ташкил қилади. Лойиҳалар босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида бу кўрсаткич икки баробар ортади.

Давлатимиз раҳбари корхоналарда ишлаб чиқариш балансини таъминлаш, "off take" шартномалари қилиб, маҳсулотларни кафолатли сотиш зарурлигини таъкидлади.

Бугунги кунда технопаркда 300 кишининг бандлиги таъминланган. Барча лойиҳалар амалга ошгач, 2 мингдан зиёд иш ўрни яратилади, антрахинон, каустик сода, мис хлориди, диметил-

сульфат, натрий сульфид, резорцин каби маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилади. Технопаркинн йиллик экспорт салоҳиятини 2026 йилда 30 миллионга етказиш ва изчил ошириб бориш режалаштирилган.

Шунингдек, керакли коммуникация тармоқлари ҳам хорижий инвестор маблағлари ҳисобидан қурилмоқда. Шу ерда 2024-2030 йилларда "Навоийазот" акциядорлик жамияти негизда амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимот қилинди.

Унга кўра, 5 миллиард долларлик 22 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Уларда 3 мингдан зиёд янги иш ўрни бўлади. 1,2 миллиард доллардан зиёд кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, асосий қисми экспортга йўналтирилади.

Президентимиз лойиҳаларда экология талабларига алоҳида эътибор қаратиш, заводларни углерод оксидини ҳавога кам чиқарадиган ускуналар билан жиҳозлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Лойиҳалардан 4 таси келгуси йили фойдаланишга топширилиши мўлжалланган. Давлатимиз раҳбари уларнинг инвесторлари билан мулоқот қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Навоий шаҳридаги саноят зонасида "Universal filter" бренди остидаги маҳаллий маҳсулотларни кўздан кечирди. Бу ерда транспортлар учун ҳаво ва мой филтрлари, металлургия, нефтьгаз ва кимё санояти корхоналари учун буюмлар – жами 600 турдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Ўз фаолиятини 2007 йилда қурилиш материаллари тармоғидан бошлаган тадбиркор 2020-2023 йилларда 20 миллион долларлик лойиҳаларни амалга оширган. Бугунги кунда уч гектар майдонда 6 та йўналиш йўлга қўйилган. Корхоналарга Россия, Хитой, Словакия каби давлатлардан замонавий технологиялар келтириб ўрнатилган.

Тадбиркорнинг айланма маблағи бундан етти-саккиз йил олдин атиги 1 миллиард сўм эди. Эндиликда жорий йил якунига қадар 200 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. 250 кишининг доимий бандлиги таъминлангани эса ижтимоий муҳим жиҳат.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги иш жараёни ва маҳсулотлар билан танишди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Мамлакатимизда узоқ йиллар давомида ер ресурслари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида айрим бўшлиқлар мавжудлиги сабабли ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш ва уларда ноқонуний қурилмалар қуриш, шунингдек, ерлардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари учурди.

### Моҳият

## ЯНГИ ҚОНУН




ер участкаларига нисбатан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш самарадорлиги ошишига хизмат қилади

Давлатимиз раҳбарининг ушбу соҳани тартибга солиш ҳамда ердан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича берган топшириқлари ижроси бўйича амалга оширилган ишлар натижасида бугунги кунда соҳада муҳим амалий натижаларга эришилди. Хусусан, ҳокимларнинг ер ажратиш бўйича ваколати бекор қилиниб, ер участкаларини онлайн-аукцион орқали ажратиш тартиби жорий қилинди.

(Давоми 3-бетда) ▶

### Қонун кўмағи



## Ассосиз ҳисобланган ҚАРЗДОРЛИК

### жавобгарга мажбурият юклатилишига сабаб бўлди

Кейинги йилларда мамлакатимизда қонунчилик базасининг тубдан мустаҳкамлангани, судлар томонидан ишларни кўришда қонун устуворлиги ва адолат тамойилларини тўлиқ таъминланаётгани, ҳўсалик юритувчи субъектларнинг қонуний манфаатлари кафолатли ҳимоя қилинаётгани амалда ўзининг ёрқин самарасини бермоқда.

Гап қонунчилик хусусида борар экан, давлат Конституцияимизнинг 55-моддасига тўхталтиш жоиз. Мазкур моддада қайд этилишича, ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли. Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

(Давоми 3-бетда) ▶

Мамлакатимиз йилдан-йилга серқуёш иқлими, гўзал табиати, барқарор иқтисодиёти ва бошқа кўпжа кенг қамровли имкониятлари билан хорижий инвесторларни ўзига жалб қилмоқда. Тоғли ҳудудларимизнинг ўзига хос манзараси, сўлим об-ҳаво ва ишлаб чиқариш учун қулай инфратузилмаси сайёҳларни оҳанрабодай ўзига чорлайди. Шу боисдан ҳам, юртимизда туризм жадал ривожланиб бормоқда.



Туризм – давлат учун муҳим даромад олиб келувчи манбаи ҳисобланади. Шу маънода, Президентимизнинг 2022 йил 8 апрелда қабул қилинган "Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиши учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида"ги Фармони барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, коррупциявий иллатларни бартарф этиш ва соғлом, рақобатбардош муҳитни ривожлантиришга қаратилган.

(Давоми 2-бетда) ▶

## ИНСОН ҚАДРИ УЧУН Конституция тарғиботига масъулмиз

Президентимизнинг 2024 йил 17 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунин байрамига тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Фармойиши билан биз, судьялар зиммасига ҳам юксак масъулият юклатилди. Аввало, Асосий Қонунимизнинг 32 йиллик тантаналари "Конституция – эркин ва фаровон ҳаёт гарови" деган бош ғояни ўзиде мужассам этган ҳолда ўтказилишини таъкидлаш лозим.



Бундан сўнги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ва бу борада эришилаётган натижаларни мустаҳкамлашда янги таҳрирдаги Конституцияимиз ўрни ва ролини ҳамюртларимизга халқчил тилда туйинтириб беришимиз талаб этилади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги "Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 16-сонли қарори адолатли суд ҳукмларини қабул қилишимизда муҳим асос бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда) ▶



## АМИР ТЕМУР

Абубакр Тайободий Амир Темурнинг адолат-ла ҳукмдорлик қилишига энг кучли таъсир кўрсатган олимидир. Амир Темур қачонки танг аҳволда қолса, Абубакр Тайободий билан кенгашир, агар у узоқда бўлса, мактуб битиб, ўғитини олар ва шунга кўра иш тутарди. Амир Темур ўз "Тузуқот"ида Тайободийга оид қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Жумладан, у бундай дейди:

(Давоми 4-бетда) ▶

**ИНСОН ҚАДРИ УЧУН**

# Конституция тарғиботига масъулмиз



**◀ (Бошланиши 1-бетда)**

Бундан ташқари байрам муносабати билан конституциявий ҳуқуқлар бўйича суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бурчаклари ташкил этилиши белгиланган. Шу орқали биз **“Конституция — эркин ва фаровон ҳаёт гарови!”** широрининг моҳияти ҳамда аҳамиятини, янги тахрирдаги Конституция асосида инсон ҳуқуқи ва эркинликлари соҳасида мутлақо янги босқичга ўтилганини ҳаётий мисоллар асосида кўрсатиб беришимиз зарур.

Судлар зиммасидаги яна бир муҳим масъулият — фуқаролар кундалик ҳаётида кўп учрайдиган вазиятларда Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри қўлланилишини жамоатчиликка етказишдир. Дахлдор ташкилот ва муассасалар шахар, туман марказларидаги давлат органлари биноларига ўқувчи ва талабаларни саёхатга олиб келишлари ҳам қайд этилганини ҳисобга олиб, судларнинг эшиги ёшларимиз учун очик эканини таъкидлашимиз.

Шунингдек, “Конституция ойлги” доирасида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун Конституциянинг қоида ҳамда нормаларини чуқурлаштириб ўргатишга қаратилган ўқув-семинарлар ўтказиш ҳам режалаштирилган. Айни тадбирлар судьяларнинг Асосий Қонуни мизга оид билимларини янада ошириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Кези келганда юртдошларимизга Бош Қомусимизнинг айрим нормаларини яна бир қарра аслапти ўтишни лозим

топдик. Конституцияимизнинг 15- ва 54-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг устуңлиги сўзсиз олинади. Инсоннинг ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади. Давлат инсон ҳамда фуқаронинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

Шунингдек, Бош Қомусимизнинг 59- ва 60-моддаларида барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажаришлари, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбур эканликлари ҳам белгиланган.

Хулоса ўрнида бир тақлифни айтиб ўтмоқчиман. Яъни мактабгача ва бошланғич таълимда Конституция сабоқларини янада такомиллаштириш зарур. Бу борадаги билимларни болажонларга расмлар ҳамда кўргазмалар куруллар асосида таълиқ этилиши йўлга қўйиш, албатта, ўзининг ижобий самара беради. Қолаверса, дафтар муқовалари ҳамда бошқа ўқув курулларини турли суратлар билан эмас, балки Конституцияимизда акс этган ҳуқуқ ва эркинликларимиз, фуқаролик бурчларимиз, оила, она табиат, ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатларга оид моддалар билан безасак, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Нодиржон КИМсанов,**  
*жиноят ишлари бўйича Косонсой тумани суди судьяси*

**Фармон ва ижро**

## Хорижлик фуқаролар

### Кўчмас мулк сотиб олишининг ўзига хос хусусиятлари

**◀ (Бошланиши 1-бетда)**

Бунинг натижасида хорижий фуқароларга инвестиция киритиш учун кенг имкониятлар яратилади. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 майдаги қарори билан 111 та хорижий давлат фуқароларига Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасини талаб қилмаган ҳолда янги қуриладиган уй-жойлардан сотиб олиш тарзида инвестиция киритиш ҳуқуқи берилди.

Бунда сотиб олинадиган янги қуриладиган уй-жойларнинг нархи Тошкент, Самарқанд шаҳарлари ва Тошкент вилояти ҳудудида — қурилиш даврида бўлган шартномаларга — 150 минг, қуриб битказилган бўлса, 180 минг АҚШ долларидан кам бўлмаслиги лозим. Бошқа ҳудудлардаги нархлар қуриб битказилмаган кўчмас мулк бўлса, 70 минг, қуриб битказилган бўлса, 85 минг доллардан кам бўлмаслиги керак.

Агар хорижий фуқаро Ўзбекистонда яшаш гувоҳномасини олиши бўлса, кўчмас мулкнинг нархи 300 минг АҚШ долларидан кам бўлмаслиги шарт. Бу ўзгартишлар хорижий инвесторларга жуда кенг имкониятлар яратиш беради.

Яъни инвестиция орқали кўчмас мулк сотиб олиш, қуриш ва кейинчалик уни тасарруф этиш имконияти

берилади. Натижада мамлакатимизда жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнини қатъий белгиланган, туризмни янада ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш имкониятлари янада ортади.

Айни тажриба хорижий давлатларда анча олдиндан қўлланиб келинмоқда. Дунёнинг тараққиёт этган давлатлари таърибаси биз ҳам электрон ҳукумат тизимига жадал равишда ўтишимиз лозимлигини кўрсатади. Хусусан, Ўзбекистонда хорижий фуқаролар ва инвесторлар учун ягона кўчмас мулк сотиб олиш ва реалзация қилиш агентлиги ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бу, ўз навбатида, хорижий фуқаро ёки инвесторларга Ўзбекистонга шахсан ташириш орқали мулкларни сотиб олиш, давлат рўйхатидан ўтказишда қонуний ёрдам бериши ҳамда маълум бир ҳақ эвазига ушбу мулкни кўриқлаш хизматини кўрсатиш имкониятини яратди. Бундай агентлик хорижий инвесторларнинг иқтисодиётимизга сармоа киритиши учун ишончини янада оширади.

**Сунбула УМАРОВА,**  
*фуқаролик ишлари бўйича Яққасарой туманлараро суди судьяси*

# САМАРАДОРЛИГИ ЮҚОРИ ЛОЙИХАЛАР НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАЯНЧИГА АЙЛАНМОҚДА

**◀ (Бошланиши 1-бетда)**

Мамлакатимизда атмосфера ҳавосига таъсири бўлган 3 мингдан зиёд саноат корхонаси мавжуд. Улардаги чанг-газ тозалаш ускуналарининг кўпи эскирган. Илгари бу йўналиш фақат чет элга боғлиб қолгани учун филтърларни янгиллаш йиллаб қўйилган. Энди бу соҳада ҳам импортга рақобатдош ўз маҳсулотларимиз ва хизмат кўрсатиш пайдо бўлмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида юздан ортиқ корхонанинг чанг-газ тозалаш ускуналари янгиланди.

Бундай ишларда мазкур корхонанинг ҳам ўрни бор. Ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортмоқда. Маҳсулотлар маҳаллийлаштирилиши натижасида сифатни йўқотмаган ҳолда таннархни туширишга эришилмоқда.

Корхона маҳсулотлари Россия, Қозғоғистон, Тожикистон ва Озарбайжонга ҳам жўнатилмоқда. Жорий йил якуни бўйича экспорт ҳажми 1 миллион долларга етиши кутилмоқда. Келгусида бу географияни ва миқдорни ошириш мақсад қилинган.

Шу ерда Навоий вилоятининг саноат маҳсулотлари кўздан кечирилди. Жумладан, оғир ва енгил саноат учун деталлар, ускуналар, компрессорлар, электротехника жиҳозлари, мис ва пластик қувурлар, насос қисмлари налимиз этилди. Уларни бирлаштирувчи жиҳат — маҳаллийлаштирилган.

Президент мамлакатимизда гидроэнергетикани янада ривожлантириш мақсад қилинганини таъкидлаб, кичик ва микроГЭСлар қуриш ҳамда уларнинг компонентларини ишлаб чиқаришда маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш бўйича топшириқ берди. Навоий кон-металлургия комбинати каби йирик корхоналар учун маҳаллийлаштириш лойиҳаларини қучайтириш орқали вилоятда ишсизликни камайтириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Сўнг давлатимиз раҳбари Навоий вилоятида режалаштирилган янги инвестиция лойиҳалари тақдими билан танишди.

Кейинги етти йилда вилоятга 3 миллиард 500 миллион доллардан ортиқ инвестициялар жалб этилган. Уларнинг натижасида 64 минг 700 та иш ўрни ва йилга 1 миллион 200 миллион долларлик экспорт имконияти яратилган. Бу йил 2 миллиард 100 миллион долларлик 577 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Бу ишлар изчил давом эттирилиб, хорижий инвестор

ва маҳаллий тадбиркорлар томонидан умумий қиймати 26 миллиард 800 миллион долларлик юздан ортиқ стратегик ва йирик лойиҳа шакллантирилган.

Президентимизга уларнинг 12 таси тақдирот қилинди.

Лойиҳаларга АҚШ, Франция, Германия, Австрия, Россия, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Хитой, Япония, Корея, Туркия каби мамлакатлар компаниялари инвестиция киритмоқда. Бу ташаббуслар кимё, энергетика, тоғ-кон, электротехника, тиббиёт, қурилиш индустриyasi, текстиль ва тўқимачилик каби тармоқларни қамраб олган.

Масалан, Хитой билан ҳамкорликда Кармана туманида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар тайёрлайдиган лойиҳалар амалга оширилди. Кимё ҳамда қурилиш материалларига ихтисослашган саноат паркини ташкил этиш, шамолат генераторлари учун паррақлар ишлаб чиқариш корхонаси шулар сирасига кирди.

Шу туманда Россия билан яна бир инвестицион ташаббус — озик-овқат саноати учун алюмин қадоклар ясаш йўлга қўйлади. Туркия билан ҳамкорликда Қонимех туманида йилга 370 минг тонна фосфорит қазиб олиш, қайта ишлаш ҳамда фосфор кислотаси ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ташкил этилади. Австрия билан эса Навоий шахрида йилга 170 минг тонна цианит натрий тузлари ва каустик сода олиш лойиҳаси режалаштирилган.

Мазкур лойиҳалар натижа-сиде 17 минг 800 нафардан ортиқ аҳоли иш билан таъминланади.

Президентимиз ташаббускорларга ташкилий-молиявий масалаларни қумаклашиб, лойиҳаларни тезлаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Давлатимиз раҳбари “Янги Навоий” шаҳарчаси қурилиш майдонига бўлиб, нурунийлар ва зиёлилар билан суҳбатлашди.

— Бугун бу ерда Навоий вилоятидаги 8 та туман, 3 та шаҳарнинг эртанги куни қандай бўлади, деган саволга жавоб топиш учун келдик. Аслида, битта рўзгорни тебратилишнинг ўзи бўлмайди. Хулдога шукур, аҳолининг 38 миллионга яқинлашяпти. Бунинг учун халқимизга муносиб мустаҳкам замин яратиб беришимиз керак. Бундай янги шаҳарчаларни нима учун қураймиз? Ёшларимиз ўсиб қалайяпти. Улар ўзи тугилиб ўсган жойида ишлаб, яхши яшаши учун ҳамма ҳудудларда шариот яратамиз, — деди Президент.

**Аввало, шуни айтиш керакки, уй-жойлар билан боғлиқ низоларни тўғри ва адолатли ҳал этиш, бу борадаги муаммо ва чигалликларни бартараф қилиш, моҳиятан, жуда нозик масала бўлганлиги сабабли судлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.**

Шунинг учун ҳам ушбу тоифадаги ишлар судлар томонидан қонун талаблари билан бир қаторда, инсон қадри ва манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда, атрофлича таҳлил қилиниб, адолатли ҳал этилмоқда. Баъзан бу жараёнда илгари йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳам изчил бартараф этилмоқда.

Буни Урганч шаҳрининг Фидокор маҳалласида яшовчи И.Бобомуродова (исм-шарифлар ўзгартирилган) оид ҳуқуқий масалалар ва унинг якунлари яққол тасдиқлайди. Аниқроғи, судга И.Бобомуродовнинг ишончли вакили У.Бобомуродов даъво аризаси билан мурожаат қилиб, отасига тегишли уйга эғалик қилишда юзага келган низолини бартараф этишни сўраган.

Судда аниқланган ҳолатларга қараганда, жавобгарлар А.Солиев, К.Ибодуллоева, Р.Солиев, М.Раҳмонова, П.Солиев, О.Олламуродова ва Г.Солиевлар И.Бобомуродов томонидан 2023 йил 14 январда сотиб олинган уйда таъмирлаш ва қайта қуриш

Лойиҳа учун 1 минг 100 гектар ер Кармана туманидан Навоий шахрига ўтказилган. Биринчи босқичда 450 гектар майдонда қурилиш режалаштирилган.

Шаҳарчада 7-22 қаватли уй-жойлар, 4 минг 170 ўринли умумтаълим мактаблари, 1 минг 620 ўринли боғчалар, “Янги Ўзбекистон” боғи, Навоий давлат педагогика институтининг янги кампуси ҳам шу ерда бўлади.

Давлатимиз раҳбари Навоий вилоятида саноат ривожланган, лекин хизмат салоҳияти тўлиқ ишга солинмаганини айтди. Шу боис шаҳарчада сайилгоҳ, кўнгилочар масканлар, савдо дўконлари, овқатланиш шохбчалари ташкил этиб, хизматлар ривожлантирилиши белгиланди.

Шаҳарча қурилиши дирекция томонидан мувофиқлаштириб борилади. Ер майдонлари электрон аукционга қўйилиб, голиб қурилиш ташкилотлари билан инвестиция шартномаси тузилади.

Бугун Навоий шахрида бунёдкорлик жадал. Фаровон — янги ташкил топган маҳаллалардан бири. Бу ердаги 50 дан ортиқ кўп қаватли уйда 15 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Худудда кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш шохбчалари, театр ва меҳмонхоналар, боғча ва мактаблар барпо этилган.

Давлатимиз раҳбари шу ердаги 22-умумтаълим мактабиде бўлиб.

Мамлакатимизда мактаб таълими умуммиллий ҳара-катга айланмоқда. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам таълим соҳаси энг биринчи вазифа сифатида белгиланган.

1 минг 800 нафарга яқин ўқувчи таълим-тарбия олаётган бу муассаса ўтган йили қурилиб, фойдаланишга топширилган. Барча синфхоналар, лаборатория, компьютер ва хорижий тил хоналари, спорт зали, футбол майдони, ошхонада замонавий шароитлар яратилган. Кутубхона 3 мингдан ортиқ китоблар билан таъминланиб, Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона тизимига ҳам улланган.

Давлатимиз раҳбари томонидан таълим сифатини Президент ва ихтисослаштирилган мактабларга яқинлаштириш вазифаси қўйилган. Шу мақсадда муассасага 104 нафар ўқитувчи билими ва педагогик маҳорати бўйича саралаб ишга қабул қилинган. Дарслар ҳам илғор мактаблар дастури асосида олиб борилмоқда.

Ёшларга камида иккита чет тили ва битта замонавий ҳу-

нар ўргатиш жараёни бу ерда ҳам изчил амалга оширилмоқда. Бунинг учун мактабда амалий санъат, меҳмонхона хизмати, рассомчилик, суратлаштирилган.

Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда “Ватан таянчи” ҳарбий ватанпарварлик гуруҳи ташкил этилган. Унда Амир Темур, Жалололдин Мангуберди каби буюк саркардалар жасорати ҳақида мулоқотлар бўлади. Ватанпарварлик тадбирлари, спорт мусобақалари тез-тез ўтказилади.

— Илмил бўлиш, касб-хунар эгаллаш яхши. Қалбингизда ватанпарварлик кучли бўлса, шижоатингиз янада баланд бўлади, — деди Президент.

Мактабда “Иқтидор” клуби ҳам ташкил этилган. Унда ижодкор ўқувчилар мусиқа, театр ва санъат йўналишида турли машғулотларда иштирок этади.

Президентимиз мактаб фаолияти билан танишиб, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди.

— Менинг энг катта ташвишим, мақсадим — ёшлар тарбияси. Биз олган марралар учун билмилли авлод керак. Бунинг учун ҳамма шароитларни яратишга ҳаракат қилаймиз. Сизлар эса вақтиний қадрига этиб, бор имкониятни ишга солиб, ўқишингиз керак. Олган билимингиз, ўрганган касб-хунарингиз келажақда сизларга қаноат бўлади, — деди Президент болаларга.

Таълим даргоҳида “хавфсиз мактаб” тизими ишлабди. Бунинг учун муассасага кириш-чиқишда “Face ID” дастури қўйилган. Шунингдек, қуёш панеллари ўрнатилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Навоий вилояти Навбахор туманидаги политехникумда ҳам бўлди.

Мамлакатимизда энг асосий масалалардан бири — бандлик. Аҳолига талаб юқори касбларни ўргатиш мақсадида техникумлар тармоғи ривожлантирилмоқда.

Бугунги кунда Навоий вилоятида 25 та профессионал таълим муассасаси бор. Уларда 12 минг фуқаро ўқимокда. Уларга малакали педагоглар, 234 нафар ишлаб чиқариш усталари бириктирилган.

2-сон политехникумда 41 та ўқув ва лаборатория хонаси, 350 ўринли фаоллар ва спорт заллари, 100 ўринли ётоқхона ва ошхона мавжуд. Мактаб битирувчилари ва турли ёшдаги фуқаролар учун кундузги, сиртки, кечки ва дуал таълим йўлга қўйилган.

Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
**Иқром АВВАЛБОВЕВ,**  
**Абдували БЎРИЕВ,**  
*ЎЗА мухбирлари*

Касбларни амалиёт билан боғлашда вилоятдаги йирик саноат корхоналари катта ўрин тутмоқда.

Масалан, Навоий кон-металлургия комбинати ўзи учун зарур пайвандловчи ва чилангор, “Навоийазот” акциядорлик жамияти кимёвий технология лаборанти, Навоий иссиқлик электр станцияси электр монтажчи касблари эъшларни мақсадли тайёрлайди. Бунинг учун саноат корхоналари техникумда ўз бўлимларини очган. Ўқувчилар бир вақтнинг ўзида ҳам касб ўрганади ва бажарган ишига яраша маош олади.

Маҳаллалар билан биргаликда ишсиз фуқаролар, ма-лакаси етарли бўлмаганлар, ишлаш истагидига аёллар ҳам ўқишга жалб этилмоқда. Касбларни яхши эгалланганлар шу корхоналарга ишга олинади.

Президентимиз бу ерда ўқиётган хотин-қизлар билан суҳбатлашди.

— Сизларда ишонч ва интилиш пайдо бўлганидан хурсандман. Касбини маҳкам тутиб, ҳаётда ўз ўрнинингизни топинг. Меҳнатингиздан бахт топингизнинг учун сизларни кўплаб-қувватлаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шунингдек, “Mengi Textile Group” ва “Navbahor Qorajon” текстиль корхоналари билан дуал ва қисқа мuddатли ўқув курслари ташкил этилган. Хотин-қизлар етарли кўникмага эга бўлган, тикувчилик цехларига ишга қабул қилинади.

Дурадорлик устанасида ўқувчилар ясаётган эшик, стол-стул каби жиҳозлар вилоятда анча харидорлар. Улар таълим олиш билан бир вақтнинг ўзида ишлаб, оилаларига кўмакчи бўлишмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун қўл меҳнати билан миллий хунарандчилик буюмларини ясашга ўргатиш ўқув курслари ҳам бор.

Шунингдек, Ветеринария ва қорвачиликни ривожлантириш бошқармаси томонидан соҳа ходимларининг малакасини ошириш ўқув марказлари фаолияти йўлга қўйилган.

Қайд этиш лозимки, Навоий вилоятидаги таълим муассасалари билан 51 та корхона ўртасида шартнома имзоланган. Йил бошидан буён мингдан зиёд ишсиз фуқаро ўқитилган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**Қонун кўмаги**

## Мулк

лабки босқич суди ушбу фуқаролик ишнинг кўришда иш учун аҳамиятга эга ҳақиқий ҳолатларни аниқлашгани, моддий ҳуқуқ мейёрларига тўлиқ мос мазмунда қарор қабул қилмагани маълум бўлди. Аниқланишича, биринчи босқич суди низоли уй И.Бобомуродовга мулк ҳуқуқи асосида тегишли экани ҳақидаги қоидага сунган. Қонун талабига кўра, мулкдор чиндан ҳам, ўзига қарашли турар жойга ўз хоҳиши ва манфаатлари асосида эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, мулк ҳуқуқи бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқи ага ва бу ҳолат суднинг ҳал қилув қарорида ўз ифодасини топган.

Бироқ вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича кассация ҳайъати дастлабки босқич суднинг бу мазмундаги ҳулосаси билан келишмади. 2023 йилнинг 14 январиде нотариал тасдиқланган олдиде-сотдид шартномасига асосан, И.Бобомуродов томонидан сотиб олинган уйга

нисбатан А.Солиев ва бошқа фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари эътироф этилган. Суд эътиборни мазкур олдиде-сотдид шартномасининг А.Солиев ва бошқа фуқаролар ушбу ҳужжат имзоланганидан сўнг ҳам ўзлари яшаётган бинодан турар-жой сифатида фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолишлари ҳақидаги бандига қаратди.

Яъни низоли уй даъвогар И.Бобомуродовга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлса-де, ундан жавобгарларнинг ҳам фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолган.

Маълум бўлишича, даъвогар қақмадаги У.Бобомуродов судга аввал ҳам мурожаат қилган: жавобгарларнинг низоли уйдан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилишни сўраган. Бироқ унинг мурожаати қонун талабига кўра, аввал фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суди, кейинчалик эса, вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича апелляция инстанцияси томонидан оқибатсиз қолдирилган.

**◀ (Бошланиши 1-бетда)**

Шунингдек, соҳани назорат қилиш механизми янада қучайтирилди. Хабарингиз бор, яқинда ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида муҳим қонун қабул қилинди.

Мазкур қонун билан аҳоли томонидан узоқ йиллардан буён эгаллаб келинган, бироқ кадастр ҳужжатлари мавжуд бўлмаган ер участкалари ва уларда қурилган иншоотларга бўлган ҳуқуқлар эътироф этилди. Бундай муҳим ҳуқуқий қадам, албатта, халқимизни қийнаб келаётган долзарб муаммага барҳам берди.

Бироқ бу ҳолат – бундан кейин ҳам ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаб олиб, унда иморатлар қуриш орқали кейинчалик уларни қонунийлаштириб олиш мумкин, деган маънони аналитикада.

Шу маънода, Олий Мажлис Сенатининг эллик тўққизинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан муҳокама қилинган **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ер участкаларидан самарали фойдаланиш, соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизми тасдиқлаштириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонун бундан кейин шу каби ноқонуний ҳолатларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Янги қонун билан бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қў-

шимчалар киритиш кўзда тутилган.

**Биринчидан**, ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузганлик билан боғлиқ қилмишлар учун жавобгарлик чораларини қучайтириш мақсадида Жиноят ҳамда

ланган жазо чоралари янада оғирлаштирилади.

**Иккинчидан**, Жиноят-процессуал кодексига ер участкаларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш билан боғлиқ жиноятлар прокуратура

рени қайтариш ҳамда ноқонуний қурилмаларни бузиб ташлашга оид ишларни қўриб чиқишнинг алоҳида тартибини белгилловчи қўшимча боблар билан тўлдирилмоқда.

Кодексларнинг янги боблар билан тўлдирилиши ер билан боғлиқ низолашни қўриб чиқишнинг алоҳида хусусиятларини инобатга олиши билан ҳам ажралиб туради.

**Тўртинчидан**, **“Давлат божи тўғрисида”**ги қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фуқаролик ва иқтисодий судларга ер тўғрисидаги қонун бузилиши билан боғлиқ даъво аризалари киритишда давлат божидан озод этилиши белгиланмоқда.

Ушбу ўзгариш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер муносабатлари бўйича юзага келган низолашни ўз вақтида бартараф этиш учун судларга даъво ариза киритилишига хизмат қилади ва ортиқча хатти-ҳаракатларга, сансалорликларга чек қўяди.

Мухтасар айтганда, ушбу янги қонуннинг амалга татбиқи этилиши ер участкаларига нисбатан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш самарадорлиги ошишига, жиноятлар бўйича етказилган зарарнинг ўз вақтида ундирилишига, ноқонуний қурилмаларни тезкорлик билан бартараф этиш тизими яратилишига хизмат қилади.

**Шухрат Чўллийев,**  
*Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси ўринбосари*



**“** Олий Мажлис Сенатининг эллик тўққизинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан муҳокама қилинган **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ер участкаларидан самарали фойдаланиш, соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизми тасдиқлаштириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонун бундан кейин шу каби ноқонуний ҳолатларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Янги қонун билан бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган. **”**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилмоқда. Ушбу ўзгартишлар орқали амалдаги ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузганлик учун белги-

органларининг терговига тааллуқли эканлиги белгиланмоқда.

**Учинчидан**, Иқтисодий ва Фуқаролик процессуал кодекслари судларда ўзбошимчилик билан эгалланган давлат эгалигидаги ер участкала-



**◀ (Бошланиши 1-бетда)**

Шунингдек, Иқтисодий процессуал кодексининг 3-моддасига кўра, ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун иқтисодий судга ушбу кодексда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

Айтиш кераки, Савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси юқорида қайд этилган қонун талабларидан келиб чиқиб, **“Ҳалол ризқ”** (номи ўзгартирилди) масъулияти чекланган жамияти манфаатини қўлаб, судга даъво ариза билан мурожаат қилди. Даъво аризасида жавобгар **“Худудий электр тармоқлари”** акциядорлик жамияти зиммасига даъвогарга нисбатан асоссиз ҳисобланган 35 миллион 816 минг 800 сўм қарздорлик ва 7 миллион 457 минг 266 сўм пеняни **“Электр ҳисоб”** дастуридан чиқариш мажбуриятини юклар сўралган.

Ишдаги ҳужжатлардан маълум бўлишича, тарафлар ўртасида 2023 йил 23 январда **“Улгуржи истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш тўғрисида”**ги шартномаси тузилган бўлиб, унинг 2.2-бандида етказиб берилган электр энергиясининг шартнома тузилган кундаги нархи 450 сўмни ташкил этиши белгиланган.

Жавобгар вакиллари даъвогарга тегишли умумий овқатланиш шохобчасида ўрганиш ўтказиб, электр энергиясидан ноқонуний равишда фойдаланиш ҳолати юзасидан 2023 йил 10 февралда № QB 1718000-18206386-сонли далолатнома расмийлаштирилган. Етказилган зарар акциядорлик жамиятининг **“Электр ҳисоб”** дастурига киритилган.

Аммо масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари 2023 йил 26 июнда жавобгарга хат орқали мурожаат қилиб, далолатнома асосида расмийлаштирилган 35 миллион 816 минг 800 сўм зарар асоссиз ҳисобланиб, **“Электр ҳисоб”** дастурига киритилгани билдирган.

Уз навбатида, **“Ўзэнергоинспекция”**нинг вилоят бўлими ходимлари томонидан бу ҳолат ўрганиб чиқилган ва ҳақиқатан ҳам, № QB 1718000-18206386-сонли далолатнома нотўғри тузилгани, қоидабузарлик ўз тасдиғини топмагани маълум қилинган.

Шундан сўнг даъвогар томонидан жавобгарга асоссиз ҳисобланган қарздорликни қўриб чиқишнинг алоҳида тартибини белгилловчи қўшимча боблар билан тўлдирилган **“Электр ҳисоб”** дастуридан чиқариш ҳақида талабнома юборилган. Аммо жавобгар томонидан бу талабнома ҳам оқибатсиз қолдирилган. Натижанда томонлар ўртасида низо келиб чиққан.

Таъкидлаш кераки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги **“Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги қарори бирин-

чи иловасининг 57-бандида истеъмолчи Бюро томонидан тузилган далолатнома билан танишиб, уни имзолаши зарурлиги алоҳида қайд қилинган. 60-бандида эса, барча электр энергияси истеъмолчилари (маиший истеъмолчилардан ташқари) худудий электр тармоқлари корхоналари билан биргаликда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин ҳар ой беш кун мобайнида фойдаланилган электр энергияси учун ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузишлари шартлиги кўрсатилган.

Мазкур илованинг 122-банди талабига кўра, электр энергиясидан фойдаланишда истеъмолчи томонидан йўл қўйилган қоидабузулишлар Бюронинг вакили ва истеъмолчи томонидан имзоланган икки нусхадаги далолатнома билан расмийлаштирилади, унинг бир нускаси истеъмолчига берилади. Истеъмолчи далолатномани имзолашни рад этган тақдирда, қоидабузулиш ҳақида далолатнома тузилиб, бу ҳақда истеъмолчинини таништирилганлик тўғрисида белги қўйилиши лозим.

Энди юқорида баён этилган низога қайтадиган бўлиб, унинг 2.2-бандида етказиб берилган электр энергиясининг шартнома тузилган кундаги нархи 450 сўмни ташкил этиши белгиланган.

Жавобгар вакиллари даъвогарга тегишли умумий овқатланиш шохобчасида ўрганиш ўтказиб, электр энергиясидан ноқонуний равишда фойдаланиш ҳолати юзасидан 2023 йил 10 февралда № QB 1718000-18206386-сонли далолатнома расмийлаштирилган. Етказилган зарар акциядорлик жамиятининг **“Электр ҳисоб”** дастурига киритилган.

Аммо масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари 2023 йил 26 июнда жавобгарга хат орқали мурожаат қилиб, далолатнома асосида расмийлаштирилган 35 миллион 816 минг 800 сўм зарар асоссиз ҳисобланиб, **“Электр ҳисоб”** дастурига киритилгани билдирган.

Уз навбатида, **“Ўзэнергоинспекция”**нинг вилоят бўлими ходимлари томонидан бу ҳолат ўрганиб чиқилган ва ҳақиқатан ҳам, № QB 1718000-18206386-сонли далолатнома нотўғри тузилгани, қоидабузарлик ўз тасдиғини топмагани маълум қилинган.

Шундан сўнг даъвогар томонидан жавобгарга асоссиз ҳисобланган қарздорликни қўриб чиқишнинг алоҳида тартибини белгилловчи қўшимча боблар билан тўлдирилган **“Электр ҳисоб”** дастуридан чиқариш ҳақида талабнома юборилган. Аммо жавобгар томонидан бу талабнома ҳам оқибатсиз қолдирилган. Натижанда томонлар ўртасида низо келиб чиққан.

**Оила — жамиятнинг кичик бўлаги. Айниқса, янги рўзгорни йўлга қўйишнинг ўзига яраша гапти ҳам, синовли қийинчиликлари ҳам кўп бўлади. Шундай экан, вояга етган қиз турмушга чиққач, янги муҳитга мослашиши осон кечмайди, албатта.**

Бир хонадоннинг гулдай қизи Дилрабо Ўктамова (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам 2018 йил март ойида Умидбек Ўктамов билан қонуний никоҳдан ўтиб, оила қуради. Уша пайтда бу икки ёш бахтдан масрур эдилар. Бир йил ўтгач, тўнғич фарзанди Шаҳина дунёга келади.

Аслида, фарзанд ота-онани бир-бирига боғлаб, оила мустаҳкамлигини таъминловчи ришта саналади. Бироқ Ўктамовлар хонадонидан бундай бўлмади. Яъни қизалоқ икки ёшга етар-етмас Умидбек билан Дилрабонинг осуда ва бахтли ҳаёти издан чиқиб кетади. Аниқроғи, келин икки хил фикрли қайнонаси ва эри билан муроца қилолмай қолади. Чунки У.Ўктамов бўлар-бўлмасга хотинининг кайфиятини бузадиган, ҳуда-беҳуда жанжаллашадиган одат чиқаради. Ёш оиланинг турмушу шайда кечар экан, 2022 йилда иккинчи фарзандла-



ри Муслима туғилади. Бироқ янги меҳмон ҳам аллақачон совуқчилик тушиб, дарз кетган оила кўргонини сақлаб қололмайди. Охир-оқибат 2023 йил июнь ойида аёл қизларини олиб, ота уйига кетишга мажбур бўлади.

Таъкидлаш жоизки, Дилрабо туғилиб ўсган хонадонда ота-онаси, беш нафар синглиси ва битта укаси бирга яшашарди. У қизлари билан боргач, оила аъзолари сони 10 нафарга етади. Табиийки, бундай вазиятда рисоладагидек яшаш қийин. Шунинг учун отасиникида икки-уч ой тургач, Д.Ўктамова яна ўзининг уйига қайтиб боради. Лекин хонадон эгалари уни уйга киритишмайди. Фақатгина набираларининг уйга кириши ва қолишига изн бе-

ришади, холос. Бундай муносабатни қўриб, Д.Ўктамова қизлари билан яна отасининг уйига қайтиб кетишга мажбур бўлади.

Шунчалик кўнгил хижиллигига қарамай у яна бир неча ой сабр қилади. Аммо аҳвол барибир ўнганмайди. Шундан сўнг у фуқаролик ишлари бўйича Юқори Чирчиқ туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ўзи ва 2 нафар фарзандини қайнона-қайнотаси истиқомат қилаётган хонадонга киритиб қўйишни суради.

Тўғри, У.Ўктамов 2023 йил август ойидан буён икки қизининг моддий таъминоти учун алимент тўлаб келмоқда. Бироқ бу Дилрабонинг уйи соғиб олиши ёки фарзандлари билан бирга ижарада яшаш

Суд шундай қонуний асосларга таянган ҳолда даъво аризасини қаноатландирди, Дилрабо Ўктамовани қизлари Шаҳина ва Муслима Мирзаевалар билан бирга қайнотаси М.Тўлқиновага тегишли уй-жойга фойдаланиш учун киритиш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш кераки, оилада ёки эр-хотин ўртасида рўй берадиган майда-низола, арзимайдиган келишмовчиликлар гулдек бир оиланинг парчаланиб, тўзғиб кетишига сабаб бўлолмайди.

Чунки оила — қўтлуғ маскан, унда эртанги кун эгалари, авлодлар давомчилари — фарзандлар вояга етишини эътиборга олсак, бу масканнын ҳар жиҳатдан мустаҳкамлиги ва тинч-тотувлигини таъминлаш оиланин ҳар бир аъзоси, қайнота, қайнона, эр-хотин ва бошқаларнинг зиммасидаги энг масъулияти бурчдир. Зеро, ҳар жиҳатдан мукамал, ҳам ота-она, ҳам бобо-буваларнинг меҳри устувор оилада комил фарзандлар вояга етишини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Бу борада йўл қўйилган эътиборсизлик ва хатолар эса, ҳеч қачон исзис кетмайди.

**Дилдора БАБАЕВА,**  
*фуқаролик ишлари бўйича Юқори Чирчиқ туманлараро суди судьяси*

**ҲУҚУҚИ**

**ундан фойдаланиш бошқаларнинг қонуний манфаатларини бузмаслиги шарт**

Ваҳоланки, Уй-жой кодексининг 11-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, шахс ўзига тегишли турар жойга фуқаролар ва юридик шахсларнинг, давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаган ҳолда, ўз хоҳиши ва манфаатларига кўра, эгаллик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши мумкин. Гарчи даъвогар судга юборилган даъво аризасида И.Бобомуродовга тегишли бўлган уйда қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб боришга тўсқинлик қилмаслик юзасидан жавобгарлар зиммасига мажбурият юклаш масаласини илгари сурган бўлса-да, ушбу ишни қўриб чиқиш жараёнида унинг бу турар жойни бутунлай бузиб ташлаб, янгидан қуриш ниятида эканлиги маълум бўлди.

Аниқроқ айтганда, даъвогар И.Бобомуродовнинг ишончли вакили У.

Бобомуродов эндиликда ушбу турар жойни бузиб, янгидан қуриш учун ваколатли идоралардан рухсат олган бўлса-да, қурилиш ишларини олиб бориши (бузиб, янгидан қуриши) низоли турар-жойда яшаш ва фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган жавобгарларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузишга олиб келади. Бинобарин, Шаҳарсозлик кодексининг 8-моддасига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик фаолияти, агар бундай фаолият чегарадош ер участкалари, реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) ҳамда бошқа кўчмас мулк объектлари мулкдорларининг, эгаларининг ҳамда улардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари амалга оширилишига монелик қилса, чекланиши лозим.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг


172-моддасига кўра, мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Мулкдор ўзининг устуңлик мавқеини суийистеъмол қилишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситидаган ўзга ҳаракатларини амалга оширишга ҳақли эмас.

Шу боисдан ҳам, судлов ҳайъати қонун талабига биноан, биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорини бекор қилди, даъвогар И.Бобомуродовнинг ишончли вакили У.Бобомуродовнинг мажбурият юклагча доир талабини қаноатлантириши рад этди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, фуқаролар судга мурожаат қилганда кўпинча ўз манфаатлари рўёбга чиқишини хоҳлайди. Адолат эса,

холислик ва қонунийликка таянади. Шундай экан, ҳар бир ариза асосида қўзғатилган фуқаролик ишларини, тарафлар ўртасида юзага келган низоли процессуал ва моддий ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаган ҳолда қонуний мuddатда, тўғри ва адолатли ҳал этиш — адолат посбонларининг вазифаси, касбий бурчдир. Бу ҳол жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этишини доимо эътиборда тутиш лозим.

**Хушнуд БАЛТАЕВ,**  
*Хоразм вилояти суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси*



«Бошланиши 1-бетда»

Ривоятларга кўра, милодий 1378-1379 йилларда Малик Ғиёсиддин Пирани Хирот шаҳрини янгидан девор билан ўрай бошлаганида шайх Абу-бакр Тайободий унга мактуб йўллаб, «Одамларингга бу ишни қилдириб, машаққат юклама. Келажак офатларни девор билан ўраб тўса олмасан. Унинг ўрнига адолат деворини тикла!» дея ўғит берган. Ҳоким Ғиёсиддин эса, унга «Сен давлат ишларига аралашма, имомлигингни қил», дея адабсизлик билан жавоб қайтарган. Шунда шайх Тайободий хафа бўлган ва «Яқинда бу ерлар Амир Темур қарамоғига ўтади», деган. Ҳақиқатан ҳам, бир муддатдан сўнг шайхнинг айтганлари амалга ошган.

Манбаларда таъкидланишича, 1380-1381 йил орасида Амир Темур Хуросонни забт этишга тайёрланади ва маслаҳат олиш учун шайх Абу-бакр Тайободий Сохибқиронга Хиротни эгаллаганида халққа зулм қилмасликни тайинлайди. Шунда Амир Темур шайхдан «Нега сиз Малик Ғиёсиддинга ўғит бериб, тўғри йўлни қўрсатмадингиз?» — деб сўрайди. Шайх ҳазратлари унга «Мен Маликка кўп насаҳат қилдим, аммо у қулоқ солмади. Оқибатда хўрланди, сен эса улуғландинг. Энди мен сенга ўғит бермоқдаман. Агар қулоқ осмасанг, сен-да хўрланганлар қаторида бўлгайсан», — дейди. Амир Темур «Яхши, унда Оллоҳ менга қарши кимни юборади?» — деб сўради. Шайх Тайободий ҳазратлари қатъий оҳангда «Азроил алайҳиссаломни», деб жавоб беради.

Амир Темур бу суҳбатдан қаттиқ таъсирланди. Кўз ёшлари дув-дув оқди. Абу-бакр Тайободий ҳузурдан чиқиб, атрофдаги одамларига юзланиб, бундай деди: «Биз ҳозирдан Хиротни фатҳ этдик. Улуғ зотнинг муборақ каломлари Хирот аҳолисининг истагига далилдир. Оллоҳ ҳеч бир султонни мендан устун айлаб, музаффар этмади. Оллоҳнинг изни ила дунё султони бўлдим ва ўлим шарбатини ажалим ила тотажаман».

Шайх Абу-бакр Тайободийнинг Амир Темурга битган бир неча мактуби «Тузуқот»да берилган. Улар, асосан, Сохибқироннинг шайхдан сўраган саволларига жавоб ва тавсиялардан иборатдир. Улар Амир Темур сиёсатининг муқамлашига, мустақамлашига шимол улуш қўшган.

Масалан, шайх бир мактубида айт-



ган бу сўзлар Амир Темурнинг давлатни бошқариш сиёсатининг тамалини ташкил этади: «Эй музаффар Темур! Давлат ишларида шу уч нарса ни унутма: биринчиси — кенгаш, иккинчиси — сабр, учинчиси — ҳушёр бўлиб иш тутуши. Чунки кенгашсиз, маслаҳатсиз салтанатнинг йўли янглишди, охири пушаймонликдир. Салтанат ишларини бажарар экан, ҳеч бирини маслаҳатсиз амалга оширмаки, нодомат чекмагайсан. Шунини биллиб қўйки, салтанат фаолиятини юритаркан, қилажак ишининг ярмиси бу йўлда дуч келувчи ҳар турли қийинчиликка сабот-ла сабр этмоқдан иборатдир. Иккинчи ярими эса, ўзингни баъзи ишларни биллиб билмагандай, қўриб кўрмагандай тутмоқдир. Қисқаси, ҳар ишда сабот ва сабр кўрсаиб, ҳушёр туриб, баҳодирлик қилгайсан ва бутун ишларни бажаргайсан, вассалом.»

Амир Темур «Тузуқлар»ида бир гал Тайободийга ёзган мактуби ва унинг жавоби хусусида қуйидагича эслайди: «Бир кун ўз ишларим билан машғул экан, чарчаб, ухлаб қолибман. Туш кўрдим, қарасам, атрофимни даҳшатли жинлар, тўнғизлар, чиркин эркаклар, ирганч хотинлар, йиртқич хайвон ва қушлар ўраб олибди. Мен кўркүвдан уйғониб кетдим ва шу ондаёқ Тайободий ҳазратга хат йўлладим. Шайхдан бундай жавоб олдим: «Сен тушимда кўрган у кўрқинч махлуқлар қилган гуноҳларингдир. Агар гуноҳга қўл урсанг, дарҳол тавба эт!».

Амир Темур ҳокимиятни бошқаришда таянган асосий шиори — «Мамлакат ҳаёти куфр бирлан давом этиши мумкин, аммо зулм бор ерда йўқ бўлиши яқиндир» сўзлари ҳам Абу-бакр Тайободийга тегишлидир. Бу ҳикматга Амир Темур фақат сўзда эмас, балки ишда ҳам доим амал қилган, уни фаолиятининг тамали деб билган. Масалан, Тайободий ҳазратларидан

олинган бир мактуб салтанатни идора этишида унинг учун дастурга айланган кейи, ўша хатда, жумладан, бундай дейилган эди:

“Буёқ зафарлар эгаси Темурга!

Салтанат муассасаси Оллоҳга тегишлидирки, ундаги ходимлар ичидан кўлдан иш келадиганлар, ноиблар, ишга мене бўлувчилар бордир. Улардан ҳар бири ўз мартабаси ва мавқеидан чекинолмаслар, доимо Оллоҳнинг амрига муносиблар. Шунини билки, вазирлар, қўшину қўмондонлар, савдогарлар, ҳунармандлару сипоҳилар билан муомала-муносабатингда улардан ҳар бирининг ўз ҳақидан ошмаслигини кузат; улар ҳар кимнинг сенинг қарорларингга кўра иш тутанган-тутмаганини кўздан қочирмасин. Ҳар табақани, ҳар қавمنى ўзига лойиқ ўринда тутки, салтанатининг қондалари бузилмасин. Агар ҳар кимни ва ҳар ишни ўз мавқеида тутмасанг, бундан салтанатингга кўп зарару зиёнлар келадир. Шу тарзда ҳар одамнинг қимматини, мартабаси ва даражасини, ҳар нарсанинг ўлчовини билган ҳолда иш юртишинг керак. Сайидларнинг мартабасини бошқалардан устун тут, иззат-ҳурматини жойига қўй. Уларга қанчалар эҳтиром кўрсатсанг, фийсабиллоҳ бўлаёй. Зотан, Оллоҳ йўлида бажарилган ишларда исроф йўқдир. Давлатининг ўн икки табақага ажратган тарзда низомга келтир ва салтанатини дарҳол синфу табақа ҳолида тартибга сол. Вассалом!».

Устоз бу мактубида ёзган тавсияларнинг ҳар бирини амалга оширдим. Давлатимнинг ишларини қонун-қондасига кўра тартибга солдим. Салтанатим мартабасини юксалтирдим. Ўн икки тоифага ажратган шаклда, уларга таянган ҳолда иш юритдим. Бу ўн икки

тоифани салтанатим қалъасининг ўн икки буржи, давлатим идорасининг ўн икки устун, ойи деб ҳисобладим.”

Шайх Абу-бакр Тайободий замонасининг машҳур ва билимли кишиси эди. Фақат Амир Темурга эмас, балки ўша даврнинг энг буюқ олимлари, тариқат уламолари ҳам унинг суҳбатидан завқу файз оларди. Алишер Навоий ҳам «Насоим-ул муҳаббат» асаридида жоҳ Баҳоуддин Нақшбанд, жоҳа Мухаммад Порсо, жоҳа Убайдуллоҳ Аҳрор каби авлиё отапаримиз шайх Абу-бакр Тайободий билан тез-тез ҳамсуҳбат бўлганини айтиб ўтган.

Алишер Навоийнинг ёзишича, Мухаммад Порсо ҳазратлари охириги марта ҳаж йўлига чиқаркан, ўз устози жоҳа Баҳоуддин Нақшбанд билан бирга борган, сафар давомида мавлоно Зайниддин Абу-бакр Тайободий мазорини ҳам зиёрат қилган: «Бухородин Марвга етгонда қофила икки фариқ бўлдилар ва баъзи Машҳад сори майл қилдилар ва баъзи Хирот сори мутаважжи бўлдилар. Бу бўлжор билки, Нишопурда бир-бирига қўшулғайлар. Ҳазрати Жоҳа бузургвор (Нақшбанд — тахр.) Ҳирий сори мойил бўлдилар ва буюрдиларки: “Тиларбизки, мавлоно Зайниддин Абу-бакр Тайободий суҳбатига етгайбиз”. Мен йити эрдим ва Машҳад сори бордим... Мавлоно 791 да, муҳаррамай ойнинг салҳида, панжшанба кунини нисфи наҳорда оламдин ўтибдурлар.”

Шайх Абу-бакр Тайободий 1389 йил декабрида вафот этган.

\*Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш жилдлик. Ғафур Ғуллом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1968. 15-жилд, 151-бет).

(Давоми келгуси сонда)

Турк тилидан Тоҳир ҚАҲҲОР таржимаси

Машҳур фаранг ёзувчиси Жюль Верн ўзининг кўплаб асарлари билан жаҳон адабиётига бебаҳо ҳисса қўшган ижодкорлардан бири саналади. Аниқроқ айтганда, Жюль Верн фаннинг турли соҳаларида аниқ илмий далиллар билан тўлдирилган қизиқарли саргузашт китобларининг бутун кутубхонасини яратди, шунингдек, илмий фантастика адабий жанрининг асосчиларидан бирига айланди.



Тарихда ғаройиб воқеа-ҳодисалар кўплаб учрайди. Буни қарангки, ёзувчи Жюль Верннинг набираси 1994 йилда босиб ёзган ва ҳали чоп қилинмаган “Париж XX асрда” номи асарини топиб олади. Асар 1863 йилда ёзилган, аммо ўша пайтда ноширлар уни ўта пессимистик руҳда ёзилган дея чоп этишдан бош тортишган. Ҳолбуки, ушбу асарни ўқиган кўплаб китобхонлар ўша пайтда газеталарда “Верн ўз асари орқали кўп нарсаларни башорат қилган”, дея бонг уришган-ди.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу асарни ўқиганда унинг ҳар бир саҳифасида бирон-бир илмий янгиликни, кашфиётга дахлдор мавзунини учратиш мумкин. Масалан, асарни ўқиб чиққан, сиз Жюль Верн қарийб юз йил муқаддам XX асрга келиб, компьютер кашф қилинишини қандай билдикин, дея хайратга туширингиз тайин. Шу ўринда сўзимизнинг исботи учун ёзувчининг асарига эътибор қаратамиз: “Бу асбоб митти пианинони эслатади. Тугмасини босишингиз билан ўзининг қизиқтирган барча мўжизотларини олишингиз мумкин. Исталган ҳисоб-ки-тоб ва турли операцияларни амалга ошира оласиз”.

Ёки асардаги манави лавҳага эътибор беринг: “бу ғаройиб машина хатлардан нусха кўчиради. 500 нафар ходим нусхаларни керакли манзилларга жўнатиш билан банд”. Ёзувчи таъкидлаган бу “машина” бугунги кунда одамларнинг беминнат дастёри — нусха кўчирадиган ускунанинг айнан ўзи эмасми?!

Шунингдек, Жюль Верн ўз асаридида “оралик масофа жуда узоқ бўлган жойдан туриб исталган матн ёки тасвирни уза-таданган, ҳар икки томондан текселларни имзолаш имкониятини берувчи фотография аппарати” ҳақида ҳам фикр юритган. Бу жумлаларни ўқигач, ҳар биримизнинг кўз ўнгимизда факс аппарати пайдо бўлади. Шунингдек, у кейинчалик кашф қилинган бир қатор техника воситаларини ҳам башорат қилган. Хусусан, бир зумда Америка ва Европани бир-бирига улайдиган телефон тармоғи ҳамда кенг форматдаги муслиқий концертлар, чунончи, бир-бирига электр токи ёрдамида уланган 200 та пианинони ёлғиз муслиқачи бир вақтнинг ўзида чала олиши ҳақидаги орзулар — даҳога хос башорат эди.

Албатта, Жюль Верн ижодида бундай хайратомуз башоратлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолгани йўқ, балки ёзувчи ўша даврда нашр этилган кўплаб илмий журналларни мунтазам мутолаа қилиб борган. Табиийки, нашрларнинг саҳифаларида ғаройиб кашфиётлар, ақлбавор қилмайдиган янгиликларни ўқиш мумкин эди. Ўз таъкидлаш жоиз. Демак, фарибгарлар тузоғига тушмаслик учун, аввало, ҳар биримиз ҳаётга оқиб кўз билан қараб, қонун талабига оғиймай амал қилишимиз талаб этилади.

1870 йил Жюль Верн “Наутилус” (“Сув остиди 20 мунг

дақиқа”) асарини ёзган пайтда эндигина сувостии кемалари яратилаётган эди. Аммо ёзувчи ўз асаридида мутлақо янги типдаги сувостии кемасини тасвирлаган. Гап шундаки, сувостии кемаси худди ичи бўш ёнғоққа ўхшайди. Кеманинг пишиқлигини таъминлаш мақсадида сирти қалин металдан ишланча, у оғирлашиб, сув юзасига қўтарила олмайдди. Бошқа томондан эса, кема уммон тубидида ўта юқори босим таъсирида парчаланиб кетмаслиги учун унинг сирти қалин металл билан қопланиши шарт. Ўша пайтда бу жумбоқ барча мутани ҳассасларини боши берк кўчага олиб кириб қўйган. Фақат ёзувчи Жюль Верн ўз фантазиялари орқали бунга оқилона ечим топган: “Наутилус”нинг сирти металл бўлаклари билан қопланган ичи бўш иккита қобикча эга.

Яна бир кашфиёт: ёзувчи асаридида кема ичидида бўлмаларни газ билан қувватланидиган чироқлар билан ёритишни тасвирлайди. Аммо бунини ўша пайтда орзу қилиш ҳам мушкул эди. Фақат орадан кўп вақт ўтмай ёзувчи фантазияси реалликка айланди: у орзу қилган чироқлар бугунги кунда “неон лампалари” деб юритилди.

Бугунги кунда ҳаво шари деб аталадиган ноёб қуримла гоёси ҳам Жюль Верн қаламига мансуб 1863 йилда ёзилган “Ҳаво шаридида беш ҳафта” романида мурассама: асар қахрамони Филеас Фоган сарҳади давомида вақт ўтиши билан ер юзини атиги 80 соатда айланиб чиқиб мумкинлигини қайта-қайта таъкидлаган. Ҳайратланарли томони шундаки, ҳозирги пайтда дунё бўйлаб саёҳат қилишнинг қисқа муддати, тахминан, 72 соатни ташкил этади. Хўш, икки ўртадаги ўхшашлик нимами англатади: ижодий гоёми, илмий тахминини ёки қандайдир ғайришуурий ҳодиса маҳсулими? Қийсан айтганда, Мирзо Улуғбекнинг ер шари меридианини жуда аниқ “ўлабаб” бергани ёки буюқ сўз зарғари Алишер Навоийнинг ойнаи жаҳон — бугунги телевизион ҳақидаги башоратлари қай йўсинда содир бўлганини ҳанузгача фан аниқлаб бера олмапти.

Эҳтимол, ёзувчининг ҳақиқатга айланган энг муҳим гоёси Ойга ва унинг атрофида “ўшатирилган” парвозлардир. Унинг романида тасвирлангани сингари 1968 йилда “Аполлон” коинот кемаси Ернинг табиий йўлдоши атрофида биринчи парвозни амалга оширди. Шунингдек, асардаги учинчи ва кўниш жойлар амалдагисини билан тўппа-тўғри келиши нима дейсиз?!

Хўш, аслида, Жюль Верн ким эди: илмий далилларни йиғиб, ёки ҳаёлати билан бойитган моҳир ёзувчиси, янги ижодий гоё билан фантазияни муштарақ айлаб, уйғунлашган илмий-ижодий изланмалар бора-бора ўз замондошларидан анча илгариланган кетган башоратчим ёки фавқулодда қобилият соҳиб бўлган буюқ ихтироқчими? Хуллас, ана шу саволларга жоҳон олимлари ҳали-ҳануз жавоб қидиришмоқда.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Жиноятга жазо муқаррар

Ҳеч кимга сир эмас, бозор иқтисодиёти шароитида мулкка таъжовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар орасида ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан талон-тороғ қилиш тартиқасидаги жиноий қилмишлар кўпроқ содир этилиши мумкин.

Хўш, фирибгарлик нима? Қандай жиноий қилмишлар фирибгарлик деб аталади? Амалдаги қонунларда бундай қилмишларга нисбатан қандай жазо белгиланган?

Бу саволларга жавобан шунини айтиш керакки, Жиноят кодексининг 168-моддасига мувофиқ, фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томондан билиб туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулк эгаси ёки бошқа шахсга маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд мулк эгаси ёки бошқа шахснинг янглиштиришга қаратилган қасдан содир этилган ҳаракатлар тушунилади.

Фирибгарликда жабрланувчини янглиштиришга қаратилган қасдан содир этилган ҳаракатлар жумласига, масалан, битим ёки тўлов предмети сохталаштириш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўйнаш чоғида алдод усуллари қўллаш каби сал-



ЁЛҒОННИНГ ДАСТИ ҲАМ, УМРИ ҲАМ ҚИСҚА

бий хатти-ҳаракатлар киради. Фирибгарликда ишонччи суиистеъмол қилиш деганда, айбдорнинг мулкдор, мулкнинг бошқа эгаси ёки мулки учинчи шахсларга бериб юбориш тўғрисида қарор қабул қилиш-қилмайдиган ёлғон маълумотлар билан ишонччи муносабатлардан гаразли мақсадларда фойдаланиши тушунилиши лозим. Ишончга турли ҳолатлар, масалан, айбдор шахснинг хизмат мавқеи ёки унинг жабрланувчи билан шахсий ёки қариндошлик муносабатлари сабаб бўлиши мумкин.

Шу ўринда маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар суди томонидан 2024 йилнинг ўтган олти ойи давомида 79 нафар шахсга нисбатан 60 та фирибгарлик қилиб боғлиқ жиноят иши қўриб тамомланган. Шундан 1 нафар шахсга нисбатан 1 та

иш бўйича — оқлов ҳукми, 74 нафар шахсга нисбатан 56 та иш бўйича айблов ҳукми чиқарилган. Жазо тайинланган шахсларнинг 9 нафарига қўшимча жазо қўлланилган. 36 нафар шахсга нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилиб, энгилроқ жазо тайинланган. 4 нафар шахсга нисбатан юритилган 4 та жиноят иши тарафларнинг ярашлар, масалан, айбдор шахснинг хизмат мавқеи ёки унинг жабрланувчи билан шахсий ёки қариндошлик муносабатлари билан ту-

гатилган. Мисол тариқасида айтсак, судланувчи Тўлқин Розиков (исм-шарифлар ўзгартирилган) Жиззах шаҳрида чет давлатга ўқиш ниятида бўлган Толиб Султанов ва Ноҳир Абдиевнинг ишончини қозониб, алдаш йўли билан уларнинг катта миқдордаги маблағини қўлга киритган.

Аниқроқ айтганда бўлсак, у жабрланувчиларни Жанубий Корея Республикасидаги олий таълим муассасаларининг бирига ўқишга қиритиб қўйиши тўғрисида ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайдиган ёлғон маълумотларни айтиб, ишончтирадиган бундан ўзининг гаразли мақсадлари йўлида фойдаланади. Натижанда Т. Султановнинг 7.000 АҚШ доллари миқдордаги маблағини фирибгарлик йўли билан қўлга киритади.

Бундан ташқари Т.Розиков Аббос Салимов ва Нозим Фозилмовни Жанубий Корея Республикасига тадбиркор сифатида ишга юбориши йўлида, алдод йўли билан жабрланувчи А.Салимовнинг 15.000 АҚШ доллари миқдордаги маблағини фирибгарлик йўли билан олади.

Албатта, бу фирибгар кимса ўзининг гаразли мақсадига етолмади, охир-оқибат унинг қилмиши фож этилиб, қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлди.

Фирибгарликни касб қилган Т.Розиковга нисбатан суд томонидан жазо тайинлашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий ҳавфлилик даражаси ҳамда қилмишининг сабаблари инобатга олинди, судланувчининг айбига тўлиқ иқдорлиги ва қилмишдан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жиноят иши бўйича етказилган зарарни тўлиқ етказган

ни, жабрланувчиларнинг унга нисбатан даввоси йўқлиги, муқаддам судланмагани, қарамоғида икки нафар воғга етмаган фарзандлари борлиги жазони енглилаштирувчи ҳолат деб эътироф этилди ва қонун санкциясида назарда тутилган доирада жазо тайинланди.

Ҳеч қандай шак-шубҳа йўқки, ишламасдан осонгина пул топиш йўлини танлаганлар, эртами-кечми, барибир қонун олдида жавоб беради. Бировнинг ҳақи ҳеч қачон бошқага буюрмайди. Халқимиз “Баракани, кўнгил хотиржамлиги — ҳалолликда”, деб бежизга айтмаган.

Бу ҳикматга амал қилмаслик, тезда бойиб кетиш илинжида нопок йўл билан пул топишга уриниш эса, охир-оқибат юзшувутлик билан туғашини унутмаслик керак.

Шу ўринда жабрланувчиларнинг ишонувчанлиги ва соддалиги фирибгарларнинг жиноий қилмишини содир этишда кўп келаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Демак, фирибгарлар тузоғига тушмаслик учун, аввало, ҳар биримиз ҳаётга оқиб кўз билан қараб, қонун талабига оғиймай амал қилишимиз талаб этилади.

Намозбой МУХТОРОВ, Жиззах вилояти суди судья катта ёрдамчиси

МУАССИС: Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди. Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ Холмўмин ЁДГОРОВ Робаҳон МАХМУДОВА Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ Халилullo ТУРАХУЖАЕВ Замира ЭСОНОВА Икрам МУСЛИМОВ Азиз АБИДОВ Шухрат ПОЛВАНОВ Бобомурод РАЙИМОВ

Сахифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ. Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй. Манзиллими: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru. Нашр индекси: яқна тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575. Буюртма: Г-1115 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табақ. Сотувда эркин нархда. Адади: 3935. 1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22<sup>00</sup>. Топширилди: 00<sup>00</sup>.